



Буюк ўзбек йўли

Шиддат билан ўзгараётган давр мамлакатлар ва кишилар олдига янги масалаларни қўймоқда. Ҳар бир янги кун ўзи билан турли-туман воқеа-ҳодисаларни олиб келаётир. Бу эса мамлакатларнинг эртанги кунини, улғайиб келаётган ёшлари келажаги билан боғлиқ мураккаб саволларни келтириб чиқармоқда.

Жўшқин интилишдан УЛУҒ МАҚСАДЛАР САРИ

Ўзбек халқи дунёдаги энг навқирон, "ёш" халқлардан. Ёшларимиз ватанимизнинг асосий куч-қудрати, хазинасидир. Шу туфайли мамлакатимизда уларга катта эътибор қаратилиб, имкониятлар эшиги кенг очиб берилмоқда.

Бир неча йил давомида юртимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Фан ва таълим соҳасига биотехнологиялар, аэрокосмик ишлаб чиқариш, генетик архитектура ва ҳужайра дизайни каби турли-туман янги йўналишлар кириб келди. Биргина мисол: яқиндагина дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасидаги ёшларимиз бармоқ билан санарли эди. Энди мамлакатда "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси кенг қўл очиб, халқаро корпорацияларда фаолият юритаётган, илмий-тадқиқот институтида ишлаётган ёшлар филиансерлик, яъни эркин фаолият билан машғул минглаб йигит-қиз етишиб чиқди. Бугун сунъий индустриаларни яратишда



Ўзбекистонлик ёшлар ҳам муносиб иштирок этимоқда.

15-16 яшар болалар Инновацион ривожланиш агентлиги қошидаги Ёшлар академиясида робототехника, дастурлаш, фазовий ускуналар парвозини бошқариш, космик алоқа сифатини ошириш



ҳақида суҳбатлашганига гувоҳман. Ўзимча уларнинг суҳбатига қўшилганман:

— Бунча олис масофада қисқа тўлқиннинг қайси долғасида алоқа қилинади?

— Қисқа тўлқинлар бу ишга ярамайди. Алоқа узун тўлқинда олиб борилади,

чунки у йўлида учраган тўсиқларни айланаб ўтади.

— Офарин! Ҳаётимизга кенг миқёсда кириб келган рақамлаштириш жараёни ҳам катта ўзгаришлар исботи бўла олади. Қаранг, кишилар бу ҳақида нималар демоқда?

Давоми 3-бетда

"Ўзбекистон — 2030" стратегияси

ТЕНГ ВА ИЖОБИЙ МУНОСАБАТ

АЛОҲИДА ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ ИНСОНЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙЛИКЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Инсон борки, орзу-умид билан яшайди. Ўзига берилган умрни мазмунли ўтказишга ҳаракат қилади. Ҳаёт имкониятларидан тўлақонли фойдаланишга интилади. Гарчи баъзи имкониятлари чекланган бўлса-да. Президентимизнинг шу йил 16 июлдаги "Ногиронликни белгилаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 18 июлдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай ва тўсиқларсиз муҳит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ана шундай имкониятни чекланган шахсларнинг хавфсиз ва тўсиқларсиз ҳаракатланиши учун қулай муҳит яратиш ва мазкур соҳага янгича ёндашувларни жорий этиш мақсадига қаратилгани билан аҳамиятлидир.



Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича изчил ишловлар кечяётир. Бугунги кунда ижтимоий ҳимоя тизими билан 250 та хизмат қамраб олинган. Ижтимоий хизмат ва ёрдам манзиллиги ҳамда натижадорлигини таъминлаш, маҳалла даражасида ташкил этишга жиддий эътибор қаратилляпти.

Умуман, кучли ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Бу борада қатор қонуналар, фармон ва қарорлар қабул қилиндики, улар мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш, муассаса ва ташкилотлар вазифаларини аниқлаштиришга хизмат қилмоқда.

Бугун одамларни иш билан таъминлаш, бирор фаолият турига жалб этишни энг самарали йўли уларни касб-хунарга ўқитиш экани тўпланган тажрибаларда яққол намоён бўлмоқда. Ўтган қисқа вақт ичида ёшлар, айниқса, ишсиз аҳоли қатламини бу жараёнга жалб қилиш, келгусида олий таълимни давом эттиришдан қатъи назар, уларга асқатадиган бирор хунарни ўргатиш, эгалланган касби бўйича бўш иш ўринлари яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Давоми 5-бетда

Ирригация



Оролбўйи шимолидаги энг олис ва сув етиб бориши қийин бўлган ҳудудлардан бири — Тахтакўпир. Шу боис, бугун ушбу туманда сув тежовчи технологияларни жорий этиш, тежамкор ускуналар ўрнатиш ва кишлққ хўжалиги экинларини суғоришда самарали фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

4 бетда

Навоий шахрининг Магонат маҳалласидаги Жумагул Соибова хонадонидан тикув машинасининг овози тинмайди. Тикувчиликнинг моҳир устасига охириги пайтларда буюртма кўпайди. Аммо биттагина тикув машинаси билан барчасини тезда бажариши қийин. Айрим мижозлар кутиб туролмаслигини билдириб, буюртмасини қайтариб ҳам олиб кетди. Қўшимча тикув машиналари харид қилишга, фаолиятини кенгайтиришга эса имкони йўқ.

НАВОИЙ ИШСИСЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНАДИ



Янгича ёндашувлар

Жумагул опа ўйлаб-ўйлаб, охири маҳалла раисига тикувчилик фаолиятини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш ва чеварлик хунари бўйича шогирдлар тайёрлаш истагини билдириб, мурожаат қилди. Албатта, маҳаллаларда бу каби ташаббуслар тўлиқ қўллаб-қувватланади. Унга ҳам маҳалла кўмағида тикув машиналари харидига банкдан имтиёзли кредит олиб берилиб, кўп қаватли уйлар ертўласидан фаолияти учун жой ажратилди. Ушбу кўллаб-қувватлов ўз самарасини кўп куттирмади. Айни вақтда Жумагул Соибова оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, маҳалла қизларига чеварликдан сабоқ бермоқда ва бир неча хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган.

Давоми 2-бетда

Марказий сайлов комиссиясининг 31 июль куни бўлиб ўтган мажлисида сиёсий партияларнинг ваколатли вакилини рўйхатга олишга доир масала кўриб чиқилди. Сайлов кодексига асосан, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов комиссияси мажлисида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўддирилганини текширишда, сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун ўзининг ваколатли вакилини тайинлашга ҳақли.



СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Ваколатли вакилини рўйхатга олиш Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Сиёсий партиянинг ваколатли вакили тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади. Унга кўра, сиёсий партия юқори органининг раҳбари сайлов кампанияси бошлангани расман эълон қилинган кундан бошлаб беш кунлик муддатда ўз ваколатли вакилини тайинлайди ҳамда уни рўйхатдан ўтказиш учун Марказий сайлов

комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

Шу боис, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар раҳбарлари ваколатли вакилларини тайинлаб, уларни рўйхатдан ўтказиш учун илк бор "E-saylov" ахборот тизими орқали Марказий сайлов комиссиясига мурожаат қилди.

Давоми 2-бетда

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори халқимиз қалбига акс-садо бериб, истиқлолнинг илк давридаги оғир ва синовли кунларни ёдга солди. Айниқса, мустақиллигимизнинг ўттиз уч йиллик байрами "Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!" деган улғувор ғоя остида бўлиб ўтиши қалбимда ифтихор туйғусини жўш урдирди.

ҚАДДИНГНИ БАЛАНД ТУТ, ХАЛҚИМ!



Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритишдан аввалги ва кейинги залварли йиллар, бугунги кунларнинг гувоҳи бўлиб турган авлод вакили сифатида баралла айта оламаники, бу кунларга етиб келиш осон кечмади.

Ўтиш давридаги дастлабки қийинчиликлар, нортимизнинг атак-чечак қилган боладек одимлашдан то бугунгача бўлган давр, аслида, бутун бошли ўчмас тарихдир. Ўтган ўттиз уч йиллик йўлни, мана шу давр билан боғлиқ воқеаларни

кўз олдига келтирган киши борки, мустақиллик ўз-ўзидан рўй берган ҳодиса эмаслигини чуқур англайди. Қалби уйғоқ, идрок бугун инсонда "Мустақиллик менга нима берди?" деган савол туғилиши ноўрин. Зотан, аҳамияти асрларга тенг мислсиз янгиланишлар, бунёдкорлик намуналари, юксалиш жараёнлари шундоққина кўз ўнгимизда содир бўлди.

Давоми 2-бетда



СИЁСИЙ ПАРТИЯ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНГНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУНДАН КАМИДА ТЎРТ ОЙ ОЛДИН АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН РЎЙХАТГА ОЛИНГАН ВА ЎЗИНИНГ САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШНИНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ КАМИДА ҚИРҚ МИНГ САЙЛОВЧИНИНГ ИМЗОСИНИ ТЎПЛАГАН ҲОЛДА ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР КЎРСАТА ОЛАДИ.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Мажлисада Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тиклиниш” демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси раҳбарлари тавсия этган ваколатли вакиллarga тегишли ҳужжатлар кўриб чиқилиб, уларни рўйхатга олиш ҳамда белгиланган шаклдаги мандатни бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олиш жараёнида “E-saylov” ахборот тизими орқали амалга оширилди ҳамда ваколатли вакиллarga мандатлар электрон шаклда тизим орқали берилди.

Шундан сўнг ваколатли вакиллarga сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзосини тўплаш учун белгиланган намунадаги имзо варақалари топширилди.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинган кундан камиди тўрт ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган ва ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камиди қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган ҳолда депутатликка номзодлар кўрсата олади. Битта маъмурий-ҳудудий тизимда (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри) сиёсий партия қирқ минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоиз имзосини тўплаши мумкин.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанмиз!

ҚАДДИНГИ БАЛАНД ТУТ, ХАЛҚИМ!



Охириги йилларда эса, биринчи навбатда, инсон қадрини ҳамма нарсадан устун қўйилганини эътироф этмоқчиман. Ислохот, аввало, инсон учун хизмат қилишини халқимиз ҳис этиб яшай бошлади. Бу омил бугунги сиёсатда яққол ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, ҳар бир муассаса ва ташкилотда инсонлар учун қулай шароит яратилган, халқ билан очиқ мулоқот қилиниб, одамлар мурожаати тингланмоқда, муаммолар ҳал этилмоқда.

ва муроа билан иш кўрган жамиятгина буларни энгиб ўтади. Халқимиз кўп оғир кунларни бошдан кечирган, иродаси мустақам, сабрли. Шунинг учун ҳам юртга тиркак бўла олди, барча бирлашиб, қийин кунларни матонат билан мардондор энгди.

Охириги йилларда эса, биринчи навбатда, инсон қадрини ҳамма нарсадан устун қўйилганини эътироф этмоқчиман. Ислохот, аввало, инсон учун хизмат қилишини халқимиз ҳис этиб яшай бошлади. Бу омил бугунги сиёсатда яққол ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, ҳар бир муассаса ва ташкилотда инсонлар учун қулай шароит яратилган, халқ билан очиқ мулоқот қилиниб, одамлар мурожаати тингланмоқда, муаммолар ҳал этилмоқда.

Мазкур қарорда инсон қадрини, ҳуқуқ ва манфаатларини энг юқори ўринда турадиган ижтимоий давлат ва халқпарвар жамият қуриш йўлидаги ишларга катта эътибор қаратилгани, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, тинчлик-севар ташқи сиёсат, Ўзбекистоннинг дунё миқёсида ўзига хос ҳурмат-эътибори ортаётгани ҳақидаги қайдлар барчамизни олға юриш, шижоат билан ишлашга ундайди.

Ўтмишда юрт озодлиги, жамиятнинг маърифатли бўлиши, ўзлигини англаши йўлида ота-боболаримиз кўп курашган, қон тўккан. Аммо нотўғри сиёсат туйғайи неча йиллар давомида улар номи қоралаб кўрсатилди. Бу йўлда жон фидо қилганларнинг табарқур номи тарихга “босмачи” дея муҳрланди.

Сайёра ФАЙЗИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси

Бошланиши 1-бетда

Сира ёдимдан чиқара олмайман. Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганда оддий шифокор бўлиб ишлардим. У вақтларда аҳоли саломатлиги эмас, пахта давлат сиёсатининг асосий йўналиши ҳисобланарди. Поликлника, қишлоқ врачлик пунктларида бир нафардан шифокор ва ҳамшира қолдирилиб, қолган ҳамма пахта теримига жалб қилинарди. Турган гапки, соғлиқни сақлаш муассасаларидаги шароит, тиббий ускуналар, асбоб-анжомларга эътибор ҳам шу даражада эди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари... Расталар бўшаб, жон бошига ун ва ун маҳсулотлари



ри, ёғ, шакар, совун каби бирламчи маҳсулотлар талон орқали бериларди. Албатта, ҳар қандай ўтиш даврида муйайян қийинчилик, синовлар бўлиши табиий. Матонат

Янгича ёндашувлар

НАВОИЙ ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

— Қарийб ўттиз йилдан буён тикувчилик қиламан. Аввалдан шу битта тикув машинасида буюртма бажариб келдим, — дейди Жумагул опа. — Фаолиятимни кенгайтириш истаги туғилганда, тўғриси, бошида маҳаллага мурожаат қилишга иккиландим ва мақсадим амалга ошишига ҳам ишончсизлик бор эди. Маҳалла раисига таклифимни айтганимда жуда ижобий қабул қилди ва менга барча кўмаклар берилди. Очиғи, ишларим бунчалик тез ҳал бўлишини кутмагандим. Ҳозир имтиёзли кредит асосида бир неча тикув машинаси харид қилганман ва чеварликни ўрганиш истагида бўлган маҳалла қизларини шогирдликка олганман. Буюртмалар кўп ва шунга яраша даромад ҳам яхши.

Албатта, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларига молиявий кўмаклашиш, даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш, республика, вилоят, туман ва шаҳарларда кўрсатиладиган давлат хизматлари ва манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш жараёнларини бевоқифа маҳалла даражасига тушириш бугун халқимиз турмушида сезиларли самара бермоқда.

Навоий шаҳридаги 36 та маҳаллада ҳам ҳудуддаги ижтимоий вазиет хонадонбай сўровлар ўтказиш орқали ўрганилиб, аҳолининг бандлик даражаси, оилаларнинг даромад манбалари, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолати ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини доимий таҳлил қилиб борилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида Матонат маҳалласидаги ўрганишлар жараёнида эҳтиёжман ва ёрдамга муҳтож 30 га яқин фуқарога субсидия ажратилиши ҳамда хусусий тадбиркорлик билан шугулланиш учун банкдан имтиёзли кредит олишига зарур кўмаклар кўрсатилди. Умуман олганда, бугун ишлаш истаги бор, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган, иш ўринлари яратиш ташаббуси билан чиққан ҳеч бир киши “маҳалла еттилиги” эътиборидан четда эмас. Бу эса Жумагул Соибова каби хотин-қизлар учун айна мудоа бўлмоқда.



Маҳаллада яшовчи Ёркиной Наимова ҳам икки фарзанднинг ёлғиз боқувчиси ва ишсизлик туйғайи рўзгор тебратилишига қийналган вақтида маҳалла мутасаддилари ёрдамга келди. Навоий шаҳри ободонлаштириш бўлимига ишга кириб, биринчи ойлик маошини олишга ҳам улгурди. Ҳозир Ёркиной Наимова аҳил жамоада ишлаётгани, ҳалол ризқ топаётганидан жуда мамнун.

Халқ билан мулоқот қалб билан мулоқотга айланди. Бугун ҳар бир хонадонга кириб бориб, муаммоларини ўрганиб, ечим топиш чоралари кўрилар экан, бу ўша хонадонга қувонч ва барака олиб кирмоқда. Ўшбу маҳалладаги Дилдора Тилабова моҳир чевар. Келинлар учун тўй либослари тикади. Аммо истаги фаолиятини кенгайтириб, гўзаллик салони очиб ва иш ўринлари яратиш бўлган сабабли маҳаллага мурожаат қилди. Натижада маҳалладаги мўжаз бинода 5 хотин-қизнинг бандлигини таъминлаган гўзаллик салони фаолият бошлади.

— Маҳалламизда 5650 киши истиқомат қилади. Йил бошида “маҳалла еттилиги” то-

монидан хонадонбай ўрганишлар ўтказилиб, 120 ишсиз фуқаро “Омбор” дафтарига киритилди, — дейди Навоий шаҳридаги Матонат маҳалласи раиси Шаҳло Бозорова. — Уларнинг 38 нафарига тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун 33 миллион сўмдан 100 миллион сўмгача имтиёзли кредит олишга кўмаклашилди. Ушбу маблағлар мақсадли сарфланиши натижасида ташаббускорларнинг фаолияти кенгайиб, маҳаллада янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, 100 нафар фуқаро турли соҳаларда доимий иш билан таъминланди. Қолаверса, 10 нафар хотин-қизга субсидия ва ҳомилийк асосида тикув машиналари олиб берилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бу каби ишлар маҳалламизда тизимли равишда давом этмоқда.

Навоий вилоятининг энг олис ҳудудларидан бири бўлган кенжа шаҳар — Ҳозгонда ҳам бугунги кунда хизмат кўрсатишини ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик лойиҳалари учун имтиёзли кредит ажратиш орқали аҳоли учун янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан,

шаҳарнинг Тумор маҳалласида яшовчи Моҳичеҳра Норбоева миллий каштачилик хўнари орқали тадбиркорликни йўлга қўйиб кам бўлмади. Бу ерда маҳалланинг ўндан ортиқ хотин-қизи ишлайди. Бугунги кунда ушбу хонадонда тайёрланаётган миллий каштачилик намуналари сифати юқори ва бежиримлиги боис, хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, миллий қадриятларни жаҳонга танитиш баробарида оилалар даромади ошишига ҳам имкон бермоқда.

— Миллий каштачилик бу ҳудудда момомерос хўнарлардан ҳисобланади ва хотин-қизларнинг асосий даромад манбаи бўлган йўналишлардан биридир, — дейди хўнараманд Моҳичеҳра Норбоева. — Айни вақтда 20 нафар хотин-қизнинг бандлигини қасаначилик асосида таъминлаганмиз. Улар ўз

уйида буюртмаларни бажариб, олиб келиб беради. Бу уларнинг оиласидан ажралмаган ҳолда даромад топишига имкон яратди. Хонадонимизда ҳам 10 дан зиёд хотин-қиз келиб, каштачилик билан шугулланиб, буюртмаларни бажаради. Бундан ташқари, кўпгина ёш қизларимизга ҳам ушбу хўнара сирларини ўргатиб келмоқдамиз.

Ҳозгон шаҳрида 10 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади ва уларнинг қарийб ярмини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти айнан каштачилик хўнари орқали даромад топади. “Аёллар дафтари”га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож 165 хотин-қизга ҳам ҳар томонлама кўмак кўрсатилмоқда.

Ҳозгон шаҳрининг географик жойлашуви ва тупроқ ҳолатидан келиб чиқиб, деҳқончи-

“ АЙНИ ВАҚТДА НАВОИЙНИ ИШСИЗЛИКДАН ХОЛИ ҲУДУДГА АЙЛАНТИРИШГА ҚАТТИҚ КИРИШИЛГАН. ВИЛОЯТДАГИ 330 ТА МАҲАЛЛАНИНГ ҲАР БИРИГА ИШСИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МАСЪУЛЛАР БИРИКТИРИЛГАН.



лик қилиш бирмунча мураккаб. Бироқ ўтган йиллар мобайнида ҳудуд аҳолиси бу борада ҳам яхшигина тажриба ўзлаштирди. Биргина Гулистон маҳалласи мисолида оладиган бўлсак, жорий йилда 20 дан ортиқ хонадонда иссиқхона ташкил этилиб, айни мавсумда турли сабзавот экинлари етиштирилди. Айниқса, ҳудудда “Сайхунобод тажрибаси” жорий этилиши натижасида бу каби иссиқхоналар, асарчилик, чорвачилик ва балиқчилик билан шугулланадиган хонадонлар сони кўпайди. Бу эса Ҳозгонни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш йўлидаги чора-тадбирларнинг амалдаги самараси бўлмоқда.

Бугунги кунда Навоий вилоятида ишсизлик даражаси 6,3 фоизни ташкил этади. Жорий йилда барча йўналишларда 136,7 минг аҳолини даромад келтирадиган меҳнат билан банд қилиш дастури тасдиқланган ва шунга асосан, ҳозиргача 31,1 минг киши иш билан таъминланди.

— Жорий йилда ҳудудлардаги ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда ташкил этилган 93 та меҳнат ярмаркаси давомида 1342 фуқаро доимий иш ўринларига жойлаштирилди, 538 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ҳамда 606 нафари касб-ҳўнарга ўқитишга йўналтирилди, — дейди Навоий вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи Лутфулло Хайруллаев. — Шунингдек, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозоридан тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган 629 фуқаро захираланган иш ўринларига жойлаштирилди.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида Навоий вилоятида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазириет тасарруфидоги мономарказлар ва бошқа ўқув масканлари, нодавлат ўқув марказларида жами 3934 нафар ишсиз фуқаро меҳнат бозоридан талаб юқори бўлган 71 турдаги касб-ҳўнарга, тадбиркорликка ва хорижий тилларга ўқитишга жалб этилди. Уларнинг 1214 нафари ўқитиш тугатган бўлиб, 1000 нафарининг бандлиги таъминланган. Бундан ташқари, маҳаллаларда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш мақсадида қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва кичик ишлаб чиқариш соҳасида жами 755 та маҳаллабай лойиҳа шакллантирилиб, шундан 43,5 миллиард сўмлик 248 лойиҳа фаолият бошлаши натижасида 685 та иш ўрни яратилган.

Мухтасар айтганда, айни вақтда Навоийни ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришга қаттиқ киришилган. Вилоятдаги 330 та маҳалланин ҳар бирига ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш бўйича масъуллар бириктирилган. Бу эса аҳолининг даромадли иш билан доимий банд бўлиши, натижада фаровон турмуш кечирishi, давлатдан рози, ҳаётинда мамнун яшашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Буюк ўзбек йўли

Жўшқин интилишдан улуғ мақсадлар сари



Исажон СУЛСТОН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ТЕНГЛИК, АДОЛАТ, ҲАҚ ВА ҲУҚУҚНИНГ, ҲАЛОЛ МЕҲНАТНИНГ, ФИДОЙИЛИК ВА ВАТАНПАРВАРЛИКНИНГ ДОИМИЙ ҲИМОЯЧИСИ БЎЛИБ МАЙДОНГА ЧИҚҚАН ЁШЛАР ТАРАҚҚИЙТИМИЗ КАЛИТИ БЎЛМИШ ТУБ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ КУЧИ СИФАТИДА ҚУДРАТИ АСРЛАР БЎЙИ ЖЎШ УРАДИГАН УЛУҒ ХАЛҚ КЕЛАЖАГИНИНГ ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИДИР.

Бошланиши 1-бетда

“Шу кунларда юртимиздаги олий таълим даргоҳларига 900 мингга яқин ўғил-қиз ҳужжат топширди.

Аваллари бу ишга кунлаб вақт ва маблағ кетар эди. Энди абитуриентлар уйдан чиқмай, смартфон ёки компьютер ёрдамида ҳужжат топширомоқда. Кенг миқёсда қарайдиган бўлсак, бундай технология туфайли ҳар бир абитуриентнинг ҳеч бўлмаса, уч соат вақти тежалганида ҳам бу рақам 2 миллион 700 минг соатга, 112 ярим минг кунга ёки 308 йилга, яъни 3 асрга тенг бўлади. Бу — биргина абитуриентлар мисолидаги гап. Агар давлат хизматлари, хусусий соҳадаги рақамлаштириш туфайли тежалган вақт ва маблағни ҳисобласак, одамнинг ақли шошади”.

Бундан ташқари, яна минглаб ёшларимиз фандан санатгача, ишлаб чиқаришдан қишлоқ ҳўжалигигача, аэрокосмик билимлардан замонавий тиббиётгача бўлган турли соҳаларда илгор билимларини эгалламоқда. Яқин-яқинда ҳам ишлаб чиқаришга жорий қилинган янги жиҳозларни сошлаш учун четдан мутахассис олиб келинади. Бугун бу ишни ёшларимиз бемалол уйдаяпти.

Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш учун “Мирзо Улугбек” ва “Эл-юрт умиди” жамағмалари юзлаб ёшларни жуда катта маблағ эвазига хорижнинг илгор университетларига ўқига юбормоқда. Олий таълим муассасалари дунёнинг етакчи университетлари билан амалий алоқаларни, талаба алмашинуви ва мутахассис таълимини йўлга қўйган. Жараён давом этмоқда, истеъдод деган бўлиқ тупроқда билим уруғлари қадалмоқда. Мамлакат бўйлаб давом этаётган бу улуг жараёни катта пўртананинг бирламчи тўлқини, десак бўлади. Шу билан бирга, ҳеч қанча вақт ўтмай, эгалланган билимлар ўрта даражага айланади ва янада илгор билимларга эҳтиёж юзга келади. Чунки янгилишни ва ривожланиш жараёни бунга ақвол намоян қилиб турибди. Шу туфайли умумий сафарбарликдан ташқари, ҳар бир кишининг жонбозлиги ва фидоийлиги, жавҳарида яширинган истеъдодни рўбга чиқариш кун тартибиди масала.

БИР КИШИ — ҲАММА УЧУН

Академикларимиздан бири бундай дейди: “Агар қадимги даврларда бугунгидек патент тизими бўлганда эди, биргина Муҳаммад Хоразмий “ноль” рақамини истеъмолга киритгани учун бугун олам асрлар давомида юртимизга бож тўларди. Бунга Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Гийосиддин Кочий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замашшарий, Имом Бухорий ва бошқа мутафаккирларнинг оламшумул кашфиётларини ҳам қўшиш: бугун олам хирожига тенг бўлмайдими?”

— Ие, унда маза қилиб ишламай ётаверсак ҳам бўлар экан-да? — дейди дунёдан беабар кимдир.

“Ишламай ётаверш”нинг иложи йўқ: олам янгиликларда. Академикнинг юқориди сўзлари янгиликнинг нақадар муҳим эканини, даврлар ўтиши билан қиймати ортиб боришини кўрсатадиган ёрқин далил. Ваҳоланки, номлари тилга олинган даҳолар яшаган даврда замона жуда мураккаб бўлган.

Унда илм-фан қандай ривож топган экан? Агар Муҳаммад Хоразмий Байт ул-ҳикма мутасаддиларининг эътиборига тушмаганида, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Хаммор, Масхий каби олимларни Маъмуно хондонни қўллаб-қувватлаганида у кашфиётлар юзга чиқарилди?

Ҳозир давр аввалгиларига нисбатан минглаб қарра мураккаб. Аини шундай паллада илмга ҳомийлик қилишдек ҳаёббахш масъулиятни давлатимиз ўз зиммасига олди. Шу

маънода, бугун Ўзбекистон улкан академияга айланди, десак муболага бўлмайди.

Биринчи ва Иккинчи Ренессанс замонасида давлат бир неча олимни қўллаб-қувватлаган бўлса, бугун мамлакат раҳбари барчага хитоб қилмоқда: “Сизлар энг тўғри йўлни — билим йўлини таянган сизлар. Ҳеч қачон ўқишдан, излашдан тўхтаманглар. Вақт тез ўтади, эртага ҳаётда муносиб ўрин топишингиз, замонагача мутахассислар бўлиб етишингиз учун бугун ўқишингиз керак. Мен ишонаман, сизлар мутлақо янги авлод ёшлари бўлиб улғайсанглар, ота-онанинг, эл-юртингиз орзусини рўбга чиқара-



сизлар. Чунки сизларда билим бўлади. Билим эса, кўп бор айтганимдек, ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди. Яқнаю ягона нажотимиз — илм!”.

Демак, гап билимнинг аҳамиятини англаб етиш ва унга интилиш ҳақида бормоқда. Билишга кучли иштиёқ туфайли не-не мутафаккирлар ҳаёт қийинчиликларига қарамай, юксак чўққилар сари сабот ва матонат билан олға интилган. Қалби билиш ва излашдан ором оладиган, бу ишни ҳаётининг мазмуни деб биладиган олимларимиз бугун ҳам анча.

— Тўғри, билим яхши, аммо орзу-ҳавас ҳам бор-да. Қанча қийинчиликлардан ўтиб, қачон мақсадига эришадими-ю, қачон кўчат ҳосил беради? — дейди яна кимдир.

Орзу-ҳавас ўз йўлига, аммо султон Масъуд Газнавий Абу Райҳон Берунийга бир фил кўтара оладиган оғирликда қумуш инъом қилганида олим уни хазинага қайтаришини илтимос қилади. Унинг замондоши бўлмиш бошқа бир олимнинг таъкидлашича, Беруний “бир йилда икки марта — Наврўз ва Мехржон байрамларида хужрасидан чиқар эди, холос. Керакли озуқа ва либосни гахлаб олган, яна ўзининг севган машғулотини билан шугулланарди”. Абу Али ибн Сино Бухоро ва Хоразмдан кетганидан сўнг ҳам машаққат

ва қийинчиликлар гирдобиди китоб ёзишда давом этади. Султон Улугбек тахт учун курашлар, ихтилофлар фикру зикрини оламни қилишига қарамай, фазо ва юлдузлар олами-ни тадқиқ қилишдан ором топади.

Аллома боболаримиз турмуш ташвишларини эмас, аксинча, тасаввур кенгликлариди жилва қилган ноёб бир топилма сирини очиш учун билим етишмаслигини қийинчилик деб билган.

Бугунимизнинг ёниқ чорловлари замирида эса иштиёқ, матонат, бардош билан юксак манзилларга эришишнинг шон-шарафли йўли ҳақида сўз бормоқда.



Бу шунчалар юксак марраки, ундан барча баҳра олади, ҳаёт тарзи тубдан, бахт-саодат сари ўзгаради. Шу боис, бугун мамлакат ёшлари билим олинг. Ўрганинг, деб хитоб қилимоқда. Бир маҳаллар бола Ибн Синонинг отаси машҳур аллома Нотийли-ни ўғлимга таълим беринг деган илтимос билан Самарқанддан Бухорога олиб келган эди. Бугун таълим даргоҳларимизда етук олимларимиз билан бир қаторда жаҳоннинг кўзга кўринган кашфиётчилари, Нобель мукофоти лауреатлари маъруза ўқимоқда.

Шу билан бирга, айрим мамлакатларда ўзибўларчилик, манфаатпарастлик асосига қурилган жаҳиат тартиби туфайли ота-оналар фарзандига, устозлар шоғирдига гапини ўтказолмай ҳалак. Шу сабабли энг илгор ўлкаларда ҳам ёшларни қамраб олиш ва салоҳиятини улкан мақсадларга



моқда. Бунга давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарориди келтириб ўтилган “Бир бўлсак — ягона халқимиз, бирлашсак — Ватанимиз!” шiori ҳам тасдиқлаб турибди.

БАРАКА

Барчамиз юртимизни баракали деб билмиш. Ҳақиқатан, шундай. Барака манбаи — аждодларимиз ва улугларимизни, муқаддас қадимларимизни иззатлашимизда, тарихимизни билишимиз ва эъзозлашимизда, эл-юртингиз эзгу дуоси ва ёруғ ниятлариди.

Шу билан бирга, бу сўз олам ҳавас қилса арзигулик гўзал, бетакрор юртимиз тупроқ-ларигагина эмас, халқимизга ҳам алоқадор. Юртимизда етишиб келаётган ёшларимиз ҳам бараканинг айнаи ўзидир.

Бежиз “Авлодинг баракали бўлсин, наслингга барака ёғилсин”, дейилмайди.

“Бугунги кунда мактаб, коллеж, техникум ва олийгоҳларда билим олаётган, ўз шахсий ишини очиб, тадбиркорлик билан шугулланаётган, Куролли Кучларимиз сафарларида йигитлик бурчини шараф билан адо этаётган, ишлаб чиқариш, қурилиш, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳалари, замонавий IT-технологиялари йўналишларига дадил кириб бораётган, катта орзу-умидлар билан яшаётган 18 миллиондан зиёд ўғил-қизларимиз — бизнинг бебаҳо бойлигимиз, олтин захирамиздир”, дейилганида аини шу барака ҳам назарда тутилган бўлса ва Худо берган бундай азиз неъматини асраб-авайлаш, камол топтириш назарда тутилган бўлса, ажаб эмас.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзларида эса янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс пойдеворини биргаликда яратишга чорлов бор:

рақобатга тайёр бўлиб вояга етгаётган ёшларимиз ҳар қандай бандан маррани эгаллашга қодир... Янги Ўзбекистонни албатта сизлар билан, бугун мамлакатимиз ёшлари билан бирга барпо этамиз!”.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

Ўзбекистондаги жуда кенг қўламли ва туб янгиликларга умумий қилиб “миллий юксалиш”, янгиликларнинг пировард мақсади ва натижасига “Янги Ўзбекистон”, тафаккурдаги юксалишнинг ҳосилаларига эса “Учинчи Ренессанс” деб ном берилди.

Давлатимиз раҳбари айтган Учинчи Ренессанс қандай содир бўлар экан? Бу борада ҳар ким ўз дунёқараши, тасаввуридан келиб чиқиб баҳслашади:

— Фанда жуда катта сакраш уз беради. Аср муаммоларини ҳал қилиб берадиган кашфиётлар яратилади.

— Мўъжизалар оддий бўлади, дейишадиким. Ким билсин, қутилмаганда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган энергия манбаи олиш йўли топилар?

— Халқ орасидан нодир мутафаккирлар етишиб чиқади. Улар янги кашфиётларга йўл очади. Улар кашфиёт эъзасига ҳам, унинг юртига ҳам мисли кўрилмаган фойда келтиради...

— Йўқ-йўқ, бу жараённинг қўлами сиз айтгандан кўра анча кенг. Дунёдаги ўзгаришларни мушоҳада қилинг. Ахир оламнинг тафаккур ва иқтисодиёт векторлари Шарқ томон силжимоқда. Тез орада юртимиз замонавий Буюк ипак йўли чорраҳасидида технология, билим ва маҳсулотларнинг ўта муҳим хабарига, яъни ўтказишга айланади. Ғоялар, фикрлар, кашфиётлар, ресурслар, маблағлар дарёсининг марказий порти бўлади. Давлатимиз раҳбари ташаббус билан барпо этилаётган халқаро ва трансконтинентал лойиҳаларга назар солинг! Бу жараён таҳлилчиларимиз томонидан батафсил ўрганилиб, ипидан и-

бекистон — 2030” стратегиясида бу жиҳатлар тўла қамраб олинган, энди кишиларнинг тафаккури ва муносабатлари шу кўлтуғ юксалишга тайёр бўлиши кераклиги ҳақида бонг урилмоқда.

Ҳақиқатан, Учинчи Ренессанс ўтмишдаги каби бир қанча олимларнинг кашфиётдан иборат бўлмайди. Янги Ўзбекистоннинг ўзи Учинчи Ренессанс пойдеворига айланади. Ўлкамизда янги дунё брендлари яратилади, жаҳиятнинг замонага мос тартиби, қонун-қоидалари ишлаб чиқилади. Истеъмолчилик эмас, яратувчилик руҳи устувор бўлади. Халқона қилиб айтганда, қаровис қилиб кетган, бегона ўт босган тупроқ соғломлаштирилади, унга тоза, зилол билим сув бўлиб қўйилади. Шубҳа йўқки, буюк юксалиш, албатта, содир бўлади.

Улуғ шоиримиз Абдулла Орипов бир вақтлар шундай қуиларни орзу қилиб, “Лаба та-бассуму кўзда ёш билан, Сенга талпинман, буюк набирам”, деб ёзган эди. Атоқли шоир мурожаат қилган набиралар бугун жаҳиятнинг фаол қатлами бўлиб шаклланди. Келажак авлодлар аини шу буюк юксалишлар пойдеворини яратиб берган, кечани кеча, кундан кундуз демай захмат чеккан боболарини, албатта, катта хурмат ва иззат билан ёдга олади.

Қаранг, ниятлар қанчалар ҳаётий ва ёруғ!

Хўп, буларнинг барчаси негиз ва замонавий фанларга, кўникмаларга алоқадор экан, бадийи соҳада нима ўзгаришлар бўлади?

Ҳеч бир мамлакатда маданият ва санъатга эътибор юртимиздагидек кенг қўламли, давлат ҳимоясида эмас, бунга тўла ишонч билан айта оламиз. Санъат турлари қатори бадийи ижодга ҳам эътибор юксак даражада. Яқинда Зоминда бўлиб ўтган халқаро мақом санъати фестивалини эслайлик. Ҳар сафар меҳмонларимизга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг кўркам, барча ҳавас қилулик биносини фахр билан кўрсатганимизда меҳмонлар ҳайратига гувоҳ бўламиз. Бу ҳам эзгу аъналаримизнинг узвий давоми деса бўлади. Ҳар йили адабиёт ва санъат соҳасида истеъдодларни излаб топиш ҳамда рағбатлантириш борасида юзлаб тадбирлар ўтказилаётгани қобилияти ёшлар учун керакли барча шароитлар яратилганини исбот қилиб турибди.

Улар яратадиган пишқ бадийи асарлар, роман ва достонлар эса халқимиз хазинасидан муносиб ўрин олиб, бугунимизнинг қишлари ва юксалиш жараёнлари ҳақида келажак авлодларга ҳикоя қилиб берадиган бадийи солнома бўлиб қолмади, албатта.

Чунки дунёни англаб етиш, ўзгаришларни тўғри талқин қилиш учун янада кўпроқ билимга эга, билимларини керакли тарзда йўналтирган, қобилиятини ривожлантирган, технологияни янгилик ва ўзгаришларга очик, турли тўшунча ва маданиятларни хурмат қиладиган ёшларни камолга етказиш керак. Зеро, тенглик, адолат, ҳақ ва ҳуқуқнинг, ҳалол меҳнатнинг, фидоийлик ва ватанпарварликнинг доимий ҳимоячиси бўлиб майдонга чиққан ёшлар тараққиётимиз қалити бўлмиш туб ислоҳотларнинг асосий кучи сифатида қудрати асрлар бўйи жўш урадиган улуг халқ келажатининг ишончли таянчидир.




“Ишончим комил, жонажон Ватанимизга меҳр ва садоқат билан яшаётган, илм-фан ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, ҳозирги мураккаб замондаги кескин

насиғача таҳлил қилинган, давлат ва жаҳият ислоҳотлари, қонунчиликдаги, меъерий ҳужжатлардаги ўзгаришлар ана шу катта ва улуг мақсадларга эришиш учун созланмоқда. “Ўз-

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси

ТЕНГ ВА ИЖОБИЙ МУНОСАБАТ

АЛОҲИДА ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ ИНСОНЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙЛИКЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



“Инсон қадрини ҳар бир фуқаросига дахлдор, ногиронлиги бўлган шахслар ҳам бундан мустасно эмас. Шундай экан, уларга қулай шaroит яратиш, таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш масаласи давлатимизнинг доимий диққат маркази бўлади.



Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири


Бошланиши 1-бетда

Мазкур масалалар давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 февралдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам ўз аксини топган.

Дастурда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тизим шакллантириш, улар учун қулай ва мақбул муҳитни яратиш борасида қатор вазифалар белгиланди. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларга муносиб иш ўринлари яратиш орқали бандлигини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб қилиш учун буюртма лойиҳаларини амалга ошириш айти йўналишдаги ишлар сирасидандир.

16 июлдаги қарор билан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш тартиби ва улар билан ишлаш тизими ўзгарди. Хусусан, ногиронлиги белгиланган шахсларни таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари аниқлаштирилди. Булар ногиронлики эрта аниқлаш ва олдин оlishда бирламчи тиббий-санитария ёрдами мутахассислари маъсулиятини кучайтириш, ногиронлики белгиланган шахсларнинг шифофлигини ошириш орқали соҳадга биорекратик тўсиқлар ва коррупциявий омилларни бартараф этиш, шахсларнинг кундалик ҳаётдаги фаоллиги ва иштирокини баҳолаш натижаларини инобатга олган ҳолда ногиронлики белгиланган шахсларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда ижтимоийлаштириш учун уларнинг эҳтиёжларини тўғри ва ўз вақтида аниқлаш каби вазифалардир.

Айни шу мақсадда жорий йил 1 сентябрдан бошлаб Тошкент шаҳри ҳамда Навоий вилояти туман ва шаҳарларида босқичма-босқич эксперимент тарихисидан, 2025 йил 1 сентябрга қадар эса республиканинг қолган ҳудудларида ногиронлики белгиланган янги тартиби жорий этилади. Бунда фуқароларга ногиронлики белгиланган бўйича Ягона интерактив давлат хизматлари портали, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ёки ижтимоий ҳодимлар орқали оилавий шифокорларга мурожаат қилиш имконияти яратилади.



Шунингдек, 2024 йил 1 октябрдан бошлаб ихтисослаштирилган Тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан ногиронлики белгиланган тартиби бекор қилиниб, ногиронлик туманлараро ва туман (шаҳар) Тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан белгиланади. Кейинги йил 1 апрелдан бошлаб эса фуқароларни ТИЭК кўригига йўллаш учун лозим бўлган амалдаги даволаш муҳлатлари бўйича талаб бекор қилинади ҳамда ҳар бир касаллиқнинг кечиси ва туридан келиб чиқиб алоҳида белгиланади.

Қарорда Тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан касбга, спортга ва таълимга тавсия бериш тартиби бекор қилинади, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги мутахассиси Аббосбек Холиқов. — Шу билан бирга, ТИЭКнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақиси муддатини узайтириш ҳамда махсус жиҳозланган транспорт воситасини бошқариш лаёқатини белгиланган оид функциялари давлат тиббиёт муассасаларига ўтказиш орқали тугатилди.



18 ёшдан катта шахсларга ногиронлики белгиланган шахсларнинг клиник-функционал бузилишлари тавсифидан келиб чиқиб, ногиронлиқнинг муддати, сабаби, тиббий реабилитация тадбирлари, шунингдек, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтожлигига оид маълумотлар “Ягона миллий ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида шакллантирилади.

Фуқароларга биринчи мартаба ногиронлик белгиланган сўнг “Инсон” марказлари томонидан уларни таълим ва касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш, спортга жалб этиш ҳамда психологик қўллаб-қувватлаш бўйича индивидуал тартибдаги ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш режалари ишлаб чиқилади ва ижроси мониторинг қилиб борилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратида ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизматлар кўрсатилиши жараёнини мувофиқлаштириш бўйича вазир маслаҳатчилари лавозими жорий этилади.

— Соҳага қаратилаётган эътибордан жуда

хурсандимиз. Қабул қилинаётган ҳужжатлар ногиронлиги бўлган шахслар учун катта имтиёз бериш орқали шу жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида яшаш имкониятини яратяпти, — дейди Ўзбекистон ногиронлар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Фарҳод Абдураҳмонов. — Ўзбекистон 2021 йилда Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилган. Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга олган корхона ва ташкилотлар учун қатор имтиёзлар берилган. Лекин кўп муассасалар, кўчалар ва бекатлар имконияти чекланган шахслар ҳаракатланишига мослашмагани учун қийинчиликларга дуч келаётган эдик.

Давлатимиз раҳбарининг “Ногиронлиги бўлган шахсларга қулай ва тўсиқларсиз муҳит яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, энди ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш, ишга жойлаш ва спортга жалб қилиш бўйича миллий тизим яратилади.

Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахсларга ишлаш ва касб-ҳунарга ўқишда тўсиқсиз муҳит яратиш учун уларнинг “меҳнатга лаёқатини белгилаш” амалиётидан воз кечилди. Бунда ногиронлик касаллиққа қараб эмас, балки шахснинг мураккаб ҳаракати, мулоқот қобилияти ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига қараб белгиланиши жуда муҳим.

Мазкур ҳужжат билан 2024 йил 1 октябрдан бошлаб давлат бюджетига ҳисобидан қопланадиган, 2025 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар маблағлари ҳисобидан қўрилган, реконструкция қилинадиган ва таъмирланадиган шаҳарсозлик фаолияти объектилари шаҳарсозлик ҳужжатлари бўлиши лозим. Аксарият қарйалар бор хонадонларда сал суви қочган нонлар тўғралаб, офтобда қуритилиб, халталарга солиб қўйилиб, ганини кўрамиз. Нон бўлмаган пайт хонадон эгалари ҳар еққа югурмайди. Нонпалов (баъзи жойларда нонбосди) қилинса борми, ҳам оғвак, ҳам нон бўлади. Нонунга эса косаларга қотирилган нондан солиб, сариёғ, туз қўшиб устидан қайнаган сув қўйилади. Яхшилаб аралаштириб еб кўринг, сариёғли шўрва ичгандек бўласиз. Тўқ тутишни айтмайсизми? Тандир ноннинг чораси бор, бўлака нонни нима қилиш мумкин дерсиз. Бўлака нонни ҳам майда қилиб тўғраб, устига озроқ намакоб сув сеппи, газ печида қизартириб олсангиз, болаларга эрмак бўлади-қолади. Қолаверса, бўлақларга бўлиб, тухумга ботириб, ёғда қовуриб олсангиз, тухумли нон бўлади. У ҳам қоринни тўқ тутайди.

Оиласи билан Москвада яшайдиган бир танишимиз ҳар гал келганда 3-4 халтага қотирилган нон олиб кетар, болалари маза қилиб ер экан. Аслида, ҳаммамиз болаларимизни шунга ўргатам бўлади. Каттиқ ноннинг фойдали жиҳатларини яхши биламиз. Дўппи нон келганда, дўконга югуриш ўрнига ўзимиз лоқал бир халта каттиқ нонни четга олиб қўйсак, биров бергандек хурсанд бўлиб кетамиз. Хуллас, ноннинг қадрини ўзимиз ўргатмасак, тўқилда кун кечираётган фарзандларимиз қаердан билсин?

Керак бўлса, нон қадр билан боғлиқ фильмларни улар билан бирга кўришимиз жоиз. Уруш ҳақидаги “Сен етим эмассан” каби фильмлар ўзимизни ҳам қайта тарбия-

лоийҳаларининг техник қисми ногиронлиги бўлган шахсларга шaroитлар яратиш бўйича шаҳарсозлик норма ва қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан мажбурий экспертизадан ўтказилади. Бу билан барча турдаги объекларда тўсиқларсиз, хавфсиз муҳит яратишига эришилади.

Экспертизадан ўттиш талаб этилмайди-дан бошқа кичик турдаги объеклар, масалан, тури йўналишидаги хизмат кўрсатуви корхоналар, дорихоналарга лицензия бериш жараёнида Қўрилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясидан хулоса олиш тартиби жорий этилади.

Шунингдек, метро ва автобус бекатлари, чорраҳаларни ногиронлиги бўлган шахслар эҳтиёжларига мослаштириш учун тегишли маблағ ажратиш бўйича тақвифлар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг келгуси йилларга мўлжалланган дастурларига киритиб борилади.

Баъзида бажарилиши лозим бўлган айрим тадбирлар маблағ ажратилмагани ёки кечиктирилгани ҳисобига амалга оширилмаслиги ҳолатлари учраб туради. Шу бонс, қарорда ҳар бир вазифанинг муддати, унга йўналтириладиган маблағ манбалари аниқ кўрсатилган. Хусусан, ҳар йили “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси маблағининг қамиди 10 фоизи чорраҳаларда ногиронлиги бўлган шахслар учун хавфсиз ва тўсиқсиз муҳит яратиш бўйича қўрилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига йўналтирилади.

Қарордаги яна бир ахамиятли жиҳат, 2026 йил 1 январга қадар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаракатланиши учун республиканинг барча ҳудудларини қамраб олувици, тўсиқларсиз муҳит яратилган объектиларни аниқлаш имконияти берувчи “Интерактив харита” ахборот тизими ишга туширилади. Бундай объектилар ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқларсиз ҳаракатланиши мумкинлигини аниқлашга ва мобил иловаларга улашиш имконияти яратилади.

Жорий йил 1 октябрдан бошлаб автобусларда хизмат кўрсатиш бўйича ўтказиладиган тендерларда фақатгина ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳитни таъминловчи ускуналар билан жиҳозланган автобуслар иштирок этиши белгиланди.

Транспорт воситалари белгиланган талаблар асосида жиҳозланишида ҳам давлат кўмаги берилади. Жумладан, ҳар бир транспорт воситасини мослаштириш харажатларининг 50 фоизи, яъни 10 миллион сўмгача бўлган қисми Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ҳужжатнинг ушбу банди кўпчиликини хурсанд қилиши аниқ. Энди шаҳар йўловчи транспортда 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ва уларга ҳамроҳлик қилувчи бир шахсга бепул хизмат кўрсатилади.

“Инсон қадрини ҳар бир фуқаросига дахлдор, ногиронлиги бўлган шахслар ҳам бундан мустасно эмас. Шундай экан, уларга қулай шaroит яратиш, таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш масаласи давлатимизнинг доимий диққат маркази бўлади.


Мазкур қарорлар эса янги Ўзбекистоннинг исплохотлар марказида инсон турганини англатади. Жамиятда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан тенг ва ижобий муносабатни шакллантириш, алоҳида эътиборга муҳтож инсонларга яратилаётган қулайликлар янада ошишига хизмат қилади.

Қадрият

НОННИ ИСРОФ ҚИЛГАННИНГ НОЛИШИГА ЎРИН ЙҲҚ



Ривоят бўлса-да, тандирда нон ёпганининг гуноҳи кечирилишига ишонгимиз келади. Қишда-ку, майли, лекин тандир тафтидан кам бўлмаган ёз жазирамасида лахча чўғ устига бош суқишнинг ўзи бўладими? Энг сабрли, матонатли одамларгина шундай қила олади. Бу ҳақда ўйлаганимизда, болаларига қулча ёпиб бераман деб юзи чўғдек қизарган, у ер-бу ерига қорақуя теккан журсарак оналарга қанчалар қийин эканини тушуниб етамиз. Дастурхонимизга иссиқ, дўппи нонларни етказиб бераётган новвойлар ҳам худди шундай машаққат ичра пул топади. Ёнига қолгани — чўққа тушган, бир оз қуйиб қолган иккита нон она сутидай ҳалол уларга.



беролмаймиз) эндигина мустақилликка эришган йилларимиз бирдан нон танқис бўлиб қолган кезлар баъзан оч ҳолда ухлаб қолганимиз эсимга тушди. Тўрт бола тўрт тарафта таркаб, дўконларда навбатда турардик. Бир дондан олиб келсак, 4 буханка нон келарди уйга. Бир куни мен навбатда турган дўконга нон кам келиб, кўпчиликка етмай қолди. Бирга навбат кутиб турган ўзим тенги қиз билан нон қидириб нотаниш томонларга кетаверимиз. Бола эканмиз, шом яқинлашиб қолгани, ортимизга қандай қайтишни ҳам ўйламаймиз. Ҳеч битта дўконда нон кўринмайди. 5-6 километр юрдик чамаси, оёқ кийимим узулиб кетди. Нима қилишни билмай, йўл бўйидаги бир хонадондан инганип сўраб амаллаганимизга қўш қорайди. Қоронғилик билан бирга кўнглига ваҳима ҳам туша бошлади. Шергимнинг уйи бизникидан ҳам узокда экан. Нон ҳам бир нав, энди уйга етиб олиш муҳимроқ эди бизга. Келган йўлимиздан ортга юра бошладик. Акаларим ва синглим уйга қайтган, аммо менга нима бўлганини билолмаган дадам тўғри биз кет-

ган томон йўлга тушган экан. Хайриятки, йўлнинг ярмида дадам билан учрашдик. Гуё эртақлардаги баҳодирни кўргандек, “Нега ўзбошимчилик қилдинг?” деб қойса ҳам дадамга ёпишдик. Уртоғим эса “Мени ҳам уйимга олиб бориб қўясизлар-а?” деди мўлтираб. “Қўрма, олиб бориб қўямиз, сизларни қаранглар, яна бир марта шундай қилсанглар, мендан қаттиқ хафа бўласизлар”, деди дадам. Шу пайтатча юриб ҳам нон топа олмаганимдан хижолат бўлиб, “Акаларим ва синглим нон олиб келдимиз” дедим. “Ҳа, олиб келди, нон бор, болам”, деган гапдан беҳад суноиб кетдим, йўқса, бугун ҳам оч қолаямиз деб ўйлаган эдим.

Ҳа, нончоғлиқ азиз экани ҳақида бугун жуда кўп гапирилапти. Тўғри, орамизда уруш йилларини кўрганлар камайиб бораётган-дир, лекин уларнинг бошдан ўтказганларини эшитганлар бор-ку. Унутувчи эканмиз деб, нон олтиндан қimmat бўлган кунларимизнинг ҳам унутиб юборамизми? Ноннинг ушогли ҳам нон эканини бот-бот айтавериш керак. Ёшларга бу каби гаплар ёқмаслиги аниқ. Нон қадрини яхши биладиган катта авлод вақилларининг ўзи амалда қадрлаб, ёшларга ибрат

лаша хизмат қилади. Эндигина эсини таниётган болаларимизга эса бугўдай теридан тортиб, нон пишганича ўзи меҳнат қилган она товуқ ва тайёр нонни кўрганда югуриб келган жўжалари ҳақидаги эртақларни айтиб берсак, нонни қадрлашга ўргатувици мультфильмлар кўрсатсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дарвоқе, “Нонни босган қиз” мультфильмини кўрган бўлсангиз керак. Миллий эмас, лекин тарбиявий аҳамияти умуминики бўлган бу мультфильм айни кунда нафақат болаларнинг, балки нондек азиз неъматни чиқинди-хонага ташлаётган айрим катталарнинг ҳам виждонини уйғотишга хизмат қилади. Зеро, нон азиз неъматлиги, уни улов қилишни ҳар қандай кўриниши виждонсизлик эканини фарзандларимизга болалиқидан ўргатиб борсак, исрофгарчиликни камайтиришга ҳисса қўшган бўламиз.

Ҳар гал шу мультфильмин кўрганда беҳосдан кўза ёш келади. Зеро, янги ўтмишда ҳам бугўдай ўрилган далага борганлар, шамол эгиб юборганидан комбайнга илашмай қолган бошоқларни кўзга суртиб, авайлаб териб олганлар бунинг машаққатини яхши билади. Бир тандир нонга етулик уч нечта бошоқ эвазига қилишини айтиб бера олади. Шунинг учун ҳам улар ҳар куни पोхтагининг ўзидagi чиқиндиҳоналардан ажратиб олинаётган 2 тоннага яқин ноннинг уволидан жуда-жуда кўрқади.

Муножат РАҲИМЖОНОВА, журналист

2024 йил 1 август, 153-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz.uz_news



yuz



yuz

Боқий мерос

ВОДИЙДА

БАХШИЧИЛИК БЎЛГАН(МИ?)

Муножат МЎМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Фольклор халқларнинг номоддий бойлиги ҳисобланади. Бунга ҳеч шубҳа йўқ. Чунки халқ оғзаки ижоди узоқ ўтмиш, турмуш тарзи, ҳаёт фалсафаси ҳақида сўзлайди. XXI асрга келиб, фольклор моддий бойликка ҳам айланди, десак муболаға бўлмайди. У орқали мамлакатлар туризм салоҳиятини ошириши, сайёҳларни ўзига жалб этиши мумкин. Бунга "Бойсун баҳори" халқаро фольклор фестивали каби тадбирлар мисолида кўришимиз мумкин.

Жорий йилда ҳам "Бойсун баҳори" бутун дунё фольклор-этнографик санъати ижрочилари, фольклоршунослар ва соҳа мутахассисларини юртимизга чорлади. Йил сайин чет давлатлар фольклор жамоалари орасида унда қатнашиш истаги ортиб бормоқда. Масалан, бу йил Буюк Британия, Бельгия, Исроил, Россия, Беларусь, Озарбайжон, Руминия, Покистон, Бирлашган Араб Амириклари, Хиндистон каби давлатларнинг машҳур фольклор жамоалари фестивалда иштирок этди. Фестивалнинг нуфузини янада ошириш учун эса миллий фольклор-этнографик халқ жамоаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур. Бу борада қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, 2020 йил 30 октябрда Президентимизнинг "Соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинган эди. Унда республикамиз ҳудудларида экспедиция ташкил қилган ҳолда миллий спорт турлари баробарида халқ ўйинлари тарихини ҳам ўрганиш айтилган. Халқ ўйинлари, кўшиқлари кўнглимизни алланечук ёқими ҳисларга тўлдирди. Миллат руҳини ҳис этиб, миллий ғурур туямиз. Сабаби, улар халқимизнинг узоқ ўтмишига генетикамиздаги қодлар билан боғланган. Шу маънода, бу ўйин ва кўшиқлар фақат миллийлик тарғиботи эмас, балки ўзгичмизни унутмасликка бўлган даъват ҳамдир. Фольклор жамоалари репертуарларини халқ кўшиқлари, шунингдек, миллий ўйинларимиз билан ҳам бойитмоқда.


Маданият вазирилик маълумотларига кўра, юртимизда 500 дан зиёд фольклор-этнографик жамоа мавжуд. Улар номоддий меросимизни кенг тарғиб этиши учун муайян меъёrlар белгилаб қўйилган. Хусусан, жамоалар ҳар уч йилда ижодий аттестациядан ўтади. Талабга кўра, уларнинг миллий қадриятларини кўрсатиб берувчи ўндан ортиқ репертуари, бир ярим соатлик дастури бўлиши керак. Янги дастур аввалги уч йилликдаги репертуардан тубдан фарқ қилиши лозим. Мазкур талаб фольклор-этнографик жамоаларни муттасил изланишга бўлишга ундайди. Бу эса номоддий меросимизнинг очилмаган янги қирраларини топишда, уни оммалаштиришда қўл келмоқда. Аҳамиятлики, бундай оммалаштириш фақат саҳна билан боғлиқ қолгани йўқ. Ҳар бир фольклор-этнографик жамоа репертуарини тўплам шаклига келтирилмоқда. Улар ҳудудлардаги маданият

марказларига етказиб берилаяпти. Натижада жамоалар турли репертуарлар билан танишиб, тажриба алмашишга, бир-бирининг репертуаридан фойдаланишга хизмат қилаяпти. Кўплаб фольклор-этнографик жамоалар айнан шу амалиёт сабаб репертуарини бойитиб бормоқда.

Ана шундай ансамбллардан бири "Бедана" фольклор-этнографик халқ ҳаваскорлик жамоасидир. У 1995 йилда ташкил топган бўлиб, Андижон вилояти Кўрғонтепа тумани маданият бўлими ҳузурида фаолият юритмоқда. Узоқ йиллик изланишлар жамоа яхши натижаларга эришишига олиб келди. Масалан, 2022 йилда "Vodiy folk" республика фестивалида "Энг яхши халқ ўйинлари намоёйиши" номинацияси ғолиби бўлди.

Ансамбль унутлиб бораётган халқ кўшиқлари ва термаларини, фольклор ашулаларини, миллий ўйинларимизни, аския, пайроларни, алла, лапар ва яллаларни қайта тиклаб, бойитган ҳолда ижро этиб келмоқда.

Жумладан, маросим кўшиқлари ҳисобланмиш "Кўрпа ҳашари", "Ангишвона", "Андижон палови", "Кулола" кабилар, халқ кўшиқларидан "Ковушим", "Елкага чиқ", "Бедана", халқ ўйинларидан "Қулоқ тортиш", "Арқон тортиш", "Тўптош", "Егоч оёқ" лар урф-одад ва қадриятларимизга жуда яқин экани билан



қимматли. Жамоанинг "Миллий қадриятлар" кўрсатуви учун ёзиб олинган "Кўрпа ҳашари" ва бошқа концерт дастурлари марказий телеканалларда тақдор ва тақдор намоёйиш этилган. Айни пайтда улар телевидение олтин фондидида сақланиаяпти.

2017 йилдан буён "Бедана" фольклор-этнографик жамоаси халқаро фестиваллар ва туризм кўргазмаларида ҳақиқий ўзбек миллий санъати намуналарини намоёйиш этиб келаяпти. Миллий қадриятларни тиклашдаги фаол хизматлари ҳамда юксак ижрочилик маҳорати учун жамоага 2020 йилда "Халқ ҳаваскорлик жамоаси" унвони берилди.

— Инсон ўзи хоҳлаб қилган фаолиятда, албатта, унум бўлади, — дейди ансамбль иштирокчиси, "Маданият ва санъат фидоқори" кўкрак нишонни соҳибаси Матлубахон Саматова. — Раҳбаримиз Бахтиёр ака

Қадим халқ ижоди намуналарининг аҳамияти ҳақида ортиқча изохга ҳожат йўқ. ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига кириши мумкин бўлган номоддий маданий бойликларимиз жуда кўп. Фақат уларнинг борини қадрлашга, йўқолиб кетаётганини қайта тиклашга камарбаста бўлишимиз керак.



Жумашев бошчилигида аҳил-иноқ ишлаб келаяпти. Халқ кўшиқлари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишини илм кишилари яхши билади. Ана шу асрий меросни келгуси авлодга етказиб берадиган занжир ҳалқасининг бири эканимиз бизга фахр билан бирга улкан масъулият ҳам юклайди.

Матлуба опа айтганидек, жамоанинг ижодий ишлари республика миқёсда ҳам юқори баҳоланмоқда. Уларнинг дастурлари олимлар томонидан илмий ўрганилмоқда. Масалан, Маданият вазирилик ҳузуридаги Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти маҳаллий ва хорижий этнофольклор экспедиция ишчи гуруҳи аъзолари "Бедана" жамоаси билан уchrашиди. Жамоа меҳмонларга "Ангишвона", "Келида шолти туйиш", "Она алласи" каби дастурларини намоёйиш этди. Экспедиция аъзолари дастурларни чуқур ўрганди. Видеотасмага муҳрлаб олди.

Катта илмий ходимлар Ҳикматилло Гадовев ҳамда Умид Турсунов хизмат сафаридан эндигина келганига қарамай, бизга таассуротларини бажонидил сўзлаб берди.

— ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига кириши мумкин бўлган номоддий маданий мерос намуналарини аниқлаш ва ҳужжатлаштириш мақсадида институтининг томонидан экспедиция ташкил этилган, — деди тадқиқотчилардан бири Ҳикматилло Гадовев. — Андижон вилоятининг бир қанча туманларидаги экспедиция давомида дорбозлик, катта ашула, мақом ижрочилиги, аския, алла, лапар, терма, ёр-ёр (фольклор ижрочилиги) намуналарини ўргандик. Шунингдек, пичоқчилик, бешикчилик, дўппидўзлик, тандирчилик, темирчилик соҳаларида сулолавийликни, устоз-шогирд анъаналарини давом эттираётган ва бошқа номоддий маданий мерос намуналарини сақлаб келаётганлар фаолияти билан танишдик. Керакли маълумотлар, жараёнларни тасвирга олдик. Эътиборимизни тортган жиҳатлардан бири бешикчилик, соғарлик, эгарчиликда буюмларнинг миҳ ишлатилмасдан бири-бирига кийдирилиши, шона устидида ясалиши бўлди. Бу усул устадан катта маҳорат талаб қилади. Қадимдан боланинг бешигига қоқилган миҳ унинг ҳаёт йўлига таъсир қилмасин, тўсмасин, яна бирор жойини тилмасин, дея яхши ният билан миҳсиз ясалган экан. Чавандонинг йўли бехатар бўлсин, оти қоқилмасин, душманга тутқилмасин, бели буқилмасин, деган ниятда эгарга миҳ урмай тайёрланишини билиб олдик. Созанданинг қўлидаги соз оҳанги кўнглиларни хушнуд этсин, хаста дилларга малҳам бўлсин, хонанданинг овозига йўлдош бўлсин, дея миҳ урилмас экан. Шаҳридон пичоқчилик, Булоқбошининг темирчиликдан ташқари фольклор чогувлари, тўйда, бевақт оламдан ўтган ёш йигит ва қиз қулоғига айтиладиган ёр-ёрлар, чўпонлар ҳаётдаги урф-одатлар тўғрисида қизиқ-қизиқ маълумотлар тўплашга эришидик. Булар халқимизнинг қадриятлари, тутумлари ҳақида маълумот беради. Бизни ўйлантириб келадиган яна бир савол — Фаргона водийсида ҳам бахшичилик бўлганми? Бу борада ҳозирча аниқ факт йўқ. Лекин ёши улуг бир неча инсон водийда ҳам бахшичилик бўлганини айтиди. Келгуси тадқиқотларимизда бунга ҳам аниқлаштиришга ҳаракат қиламиз. Агар бу таҳмин илмий тасдиқнинг топса, мамлакатимиз маданий ҳаётда катта янгилик бўлади.

Экспедиция аъзолари "Бедана" жамоаси ижросидаги лапар, маросим удумлари ҳақида ҳам маълумотларни ёзиб олди. Шунингдек, улар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бўлиб, катта ашула, лапар,

карнайчилар ҳақидаги маълумотларни йиғишга эришди.

— Илмий тадқиқотчиларга жуда қийин экан. Қун қоқ тиккага келган пайтда ҳам тиним бўлмайди, — деди Андижон вилояти маданият бўлими ходими Манзура Мўйидинова. — Улар билан чўпонликка доир халқ кўшиқларини тасвирга олдик. Тадқиқотчиларнинг қайси ҳудудимизда қандай халқ кўшиқлари куйлаб келинганини биздан-да яхши билиб, келиб чиқиш тарихини чуқур ўрганаётганига ҳавас қилиб, вилоятимизда шунча номоддий маданий бойлигимиз бор экан-а, деб гурурландик. Тадқиқотчилардан бошқа вилоятларга ташкил этиладиган экспедицияларга бизни ҳам олиб кетишини сўрадик. Чунки миллий кўшиқлар, халқ ўйинлари ҳар бир ҳудудда бор. Бошқа жойларда қандай ижро этилиши қизиқ, албатта.

Ҳа, қадриятларимиз билан боғлиқ маросимларимиз ҳудудларда турлича ўтказилади. Халқ кўшиқларининг келиб чиқиш тарихи ҳам ҳудудлар турмуш тарзига алоқадор. Ҳатто миллий таомимиз — паловхонтурага солинадиган гуруч етиштириш жараёни билан боғлиқ тадбирлар ҳам мавсумдан олдин ўтказиб келинган. "Бедана" халқ ҳаваскорлик жамоаси бу жараёни "Шоли сеқдим" деб номланган чиқишда куйидагича ифодаляпти:


Дала кўриниши. Икки киши икки томонда сувни лойкалайди, ерни текислаб, бўлақларга бўлиб, чегараларини лой билан бир-биридан ажратиб, тўртбурчак майдонлар ҳосил қилади. Бир киши белига этак тақиб, шолти сепишга чиқади. Атрофда эрак-сён меҳнаткашлар доира ясади. Оқсоқол чиқиб дуо қилади. Куй: "Келинлар, шолимизни хурсандлик, куй-қўшиқлар билан сепишни бошлайлик", дейди. Доира ҳосил қилганлар эса қўшиқ куйлайди:

Шоли сеқдим далага ҳосиллар мўл бўлсин деб,
Қўлни очинг дуога хирмон донга тўлсин деб.
Уруғ чала бўлмасин, ҳосил опа бўлмасин,
Хирмонни кўтарганга андуз-нола бўлмасин.
Ҳамма бахтиёр бўлсин бу серкуёш ўлкада,
Бир келиб меҳмон бўлинг кўзда ҳосил байрамда.

Қадим халқ ижоди намуналарининг аҳамияти ҳақида ортиқча изохга ҳожат йўқ. ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига кириши мумкин бўлган номоддий маданий бойликларимиз жуда кўп. Фақат уларнинг борини қадрлашга, йўқолиб кетаётганини қайта тиклашга камарбаста бўлишимиз керак.

Бугуннинг гапи

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ ЯНА БИР ХАВФ



"Янги Ўзбекистон" газетасининг 2024 йил 20 июль кунги сониди журналист Рустам Бойтўранинг "Ижтимоий тармоқларнинг ижтимоий манзараси" сарлавҳали фельетони чоп этилган эди. Ҳаммага тушунарли тилда ёзилган бу мақола бир ўқишда ўқилади-ю, унда айтилган масалалар кишини кунлар давомида ўйга толдириб юриверади — бефарқ томирларингизни уйғотгандай бўлади.

Журналист бадийи воситалар ҳамда ўзига хос услуби билан ижтимоий тармоқлар ҳамда сўз эркинлигининг эътибор бериш лозим бўлган жиҳатларига кўзга тутаяди, у сизу бизнинг аксимизни кўрсатади. Дарҳақиқат, ижтимоий тармоқлар оммалашини барчага "гапириш" ҳуқуқини берди, энди ҳар қандай инсон уларда ниманидир ўргатиши, шахсий фикрларини ифодаляши, баҳса қилиши мумкин. Бу, албатта, яхши. Лекин ҳамманинг ҳам нияти тўғри, йўриги текис деб ўйлай-сизми? Кимдир агрессив фикрлари, кимдир маданиятга, тилга ҳамда тарихга ҳурматсизлиги билан аллақачон

қандайдир кучларга хизмат қилиб юрганини билишнинг ўзи тасаввурда кўркун уйғотади.

Ижтимоий тармоқларнинг реал ҳаётдан фарқи — унда нисбатан эркин ҳаракат қилиш мумкин. Яъни хоҳишга кўра ўз исм-шарифингиз билан ёки аноним тарзда рўйхатдан ўтса бўлади. Айнан анонимликнинг анчагина салбий жиҳатлари бор.

Аноним аслида нима учун керак? Ижтимоий тармоқлардан бундай усулда фойдаланувчиларнинг асосий қисмини реал ҳаётдаги душманларини виртуал оламда обрўсизлантирмоқчи бўлганлар ташкил этади. Айнан шу нуқтада

қонунчиликдан тўла фойдалана олмаслик эҳтимоли ортади.

Интернетдаги маълумотларга кўра, ҳар кун дунё бўйлаб юз минглаб одамлар аноним фойдаланувчилар томонидан ҳақоратомуз жумлаларини қабул қилади. Энг ачинарлиси, уларнинг 90 фоиздан ортиқ қисми жавобсиз қолади. Бу эса инсон ҳуқуқларининг қайсиқидир маънода топталишидир. Ижтимоий тармоқлар эгалари фойдаланувчиларнинг ишончини йўқотишдан қўчиб, аккаунтлар ҳақидаги ёпиқ маълумотларни расмий доираларга тақдим этишдан мунтазам бош тортади.

Ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сегментига ҳам аноним профиллардан азият чекиш йил сайин ортиб бораёттир. Бироқ уларнинг шахсини аниқлаш имкони борлари жазога тортилади, қолганда жабрланувчи аниқ, жабрловчи ноаниқликка қолаверади. Қизғин, ана шундай аноним "блогер"лар анча-мунча кузатувчиларга ҳам эга. Айниқса, таниқли инсонлар ҳақида асоссиз тарқатилган тўхматларнинг кўришлар сонинанча қаққон — бу юртдошларимиз ора-

сида фактчекнинг маданияти ҳанг сустиликча қолаётганини ҳам аниқлатади. Нотўғри ахборот эса жамиятдаги муносабатларга пултур етказиши аллақачон тадқиқотларда исботлаб бўлинган.

Ҳўш, анонимликдан ҳимояланиш учун нима қилиш керак? Бунинг ягона чораси шахси номаълум бўлган фойдаланувчиларнинг ҳар қандай фикрига текширилмаган маълумот сифатида қарашидир. Бу уларнинг "туҳмат қуроли" кучайиб кетишининг олдини олади. Сабаби, ҳозирча улар келтириб чиқарилган муаммоларга қарши курашадиган тўла қонуний услуб мавжуд эмас.

Тармоқларнинг ўзбек сегменти юқоридаги тақлиф борасида ҳамжиҳат бўлганига, биз бир-биримизни туҳмат ҳамда ҳақоратлардан ҳимоя қилишимиз мумкин. Акс ҳолда, аноним хуружлар камайиш ўрнига кўпайиб бораверади.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазиrлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб берилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Колограк" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2574
41026 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳир: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй